

Эски қабр тепасидаги хоч

09:25 / 24.06.2018 3849

Савол:

Ассалому алайкум! Қабристонимизда баъзи қабрлар устига хоч қўйилган (карияларни айтишича анча олдин қўмилган). Хозир хочлар шу ҳолатда тураверадими? Шариатда қандай кўрсатма бор?

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Ҳукмини билмаймиз. Буни ўрганиб жавобини берамиз. Фикҳий китобларимизда мусулмонлар қабристонига мусулмон бўлмаган кишиларни қўйиш жоиз эмас. Мабодо хато билан қўйилган бўлса уларни чиқариб, ўз қабристонларига кўмиб қўйиш керак. чунки мусулмон бўлмаган кишиларга қабр азоби бўлиши ҳамда ёнидаги мусулмонларга ҳам зарари тегиши ҳадисларда келган.

هَلْ يَلْعَلْ هَلْ لَيْلِ صَيْبٍ لِّلْ اَمْنِ بِلِ اَلْ اَقْوَمِ نَبِيٍّ هَلْ لِّلْ اِيضَرِّ تَبَاثِنِ نَبِيٍّ زَنْوَبُ تَدَاخِ ذِي عَمُ نَحْنُو هَلْ لَعْلَعُ رَجَّ نَلْ اِي نَبَلِ طِيَّاحِ يَفَمَّ لَسُو فَرْعِي نَمُ: اَلْ اَقَفُ، عَرَبْرَا وَا عَسْمَخْ وَا عَسْمَخْ رُبُّ قَا اِذْ اَوْ، هِي قُلَّتْ تَدَاكَفْ اُوْتَا مَ: اَلْ اَقُ؟ اَلْ وَا هَا تَا مَ اِي تَمَفَ: اَلْ اَقُ، اَنَّا: لُجْرَ لْ اَقَفُ؟ رُبُّ قَا اَلْ اَوْدَهَ بَا حِ صَا اَلْوَلَفَ، اَوْرُبُقُ يَفَ اِي لَتَبْتُ اَيِّ دَمَّ حُمْلَا اَمَّ اَلْ اَوْدَهَ نِ: اَلْ اَقَفَ، كَارْشِ اَلْ اِي هُنْمُ عَمَّ سَا اِي دَلْ اَرُبُّ قَا اَلْ اَبَا دَعْنُمُ كَمَّ عَمَّ سَا اِي نَا اَلْ اَلْ اَوْ عَدَلْ اَوْنَفَا اَلْ اِي اَسْنَنَلْ اَو مَلْسُمُ هَا اَوْر

[Зайд ибн Собит](#) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Нажжорнинг боғида ўзларининг хачирларини миниб борар эдилар. Биз у зот билан бирга эдик. Хачир у зотни олиб қочиб, йиқитиб юборай деди. Қарасак, олтитами, бештами, тўрттами, қабр турибди.

«Манави қабрларнинг эгаларини ким билади?» дедилар.

«Мен», деди бир киши.

«Улар қачон ўлганлар?» дедилар.

«Ширкда ўлганлар», деди.

«Албатта, бу уммати Муҳаммадия қабрларида синовга учрайди. Агар

дафн қилмай қўйишингиз бўлмаганида, Аллоҳга мен эшитиб турган қабр азобини сизларга ҳам эшиттиришини сўраб дуо қилардим», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар. Валлоҳу аълам!